

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳукукида
УДК: 336.7.02 (575.1)**

СУВОНОВ ТОЛМАСЖОН ФАХРИТДИНОВИЧ

**ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ПУЛ-КРЕДИТ
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
МИСОЛИДА)**

5A230111- «Стратегик таҳлил ва ташхислаш»

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Н. Махмудов**

ТОШКЕНТ-2021


Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодий тахлил ва прогнозлаштириш” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

_____ - сонли баённома «_____» _____ 2021 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Махмудов



Магистрант:



АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертациясида пул-кредит сиёсати ва ун такомиллаштириш стратегиясининг илмий-назарий асослари ёритилган. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш шарт-шароитлари тахлил килинган, ўрта муддатли истикболда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш истикболлари асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

ANNOTATION

This master's dissertation provides the scientific and theoretical basis of monetary policy and the strategy for its improvement, analyzes the conditions for the development of monetary policy strategy of the Republic of Uzbekistan, the development of forward-looking monetary policy in the medium term.

АННОТАЦИЯ

В данной магистерской диссертации представлены научные и теоретические основы денежно-кредитной политики и стратегии ее совершенствования, проанализированы условия развития стратегии денежно-кредитной политики Республики Узбекистан, развития перспективной денежно-кредитной политики в среднесрочной перспективе.

МУНДАРИЖА

Kirish.....	3
1-БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	
1.1.Иқтисодий стратегиялар ва уларни такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари.....	8
1.2.Пул-кредит сиёсатининг моҳияти, тактик ва стратегик мақсадлари.....	22
1.3.Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш воситалари тавсифи.....	36
1-боб бўйича қисқача хулосалар.....	41
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСINI ИШЛАБ ЧИҚИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	
2.1. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	44
2.2. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати кўрсаткичлари таҳлили.....	51
2.3. Пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	61
2-боб бўйича қисқача хулосалар.....	67
3-БОБ. ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	
3.1. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг мақсадли кўрсаткичлари.....	71
3.2. Ўрта муддатли истикболда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш стратегияси ва истикболлари.....	77
3-боб бўйича қисқача хулосалар.....	87
ХУЛОСА.....	88
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	92

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида шиддатли ва сифат жиҳатидан бутунлай янги ўзгаришлар содир бўлмоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, бунёдкорлик жараёнларига иқтисодий тараққиётнинг янги самарали драйверлари жалб этилмоқда. Иқтисодий тартибга солишнинг эски, ўз салоҳиятини йўқотган институт ва воситалари ўрнини иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ва усуллари эгалламоқда.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш инфляция даражасининг ошишига йўл қўймаслик ва макроқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) томонидан пул массасининг паст ва барқарор суръатларда ўсишининг таъминланганлиги 2019 йилда инфляциянинг паст даражада бўлишини (2,3%) таъминлаш имконини берди. Бу эса, ФЗТга 2019 йилда таянч ставкани амалдаги 2,25 фоиздан 1,75 фоизга тушириш имконини берди»¹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифаси қўйилган². Бу эса, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш стратегияси масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

¹ Monetary Policy. <http://www.federalreserve.gov>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.